## Шаҳар халқ контроли комитетида

### Қимматга тушган хўжасизлик

Халқ назоратчилари ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилашга алоҳида эътибор беришмоқда. Улар янги техника ва технология муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳам яхши билишади. Шу боисдан «Ўртоқ» кондитер фабрикасидаги хўжасизлик ҳақидаги сигнални синчиклаб ўрганишди.

Корхона 1983 йилда «ЛБ» поток линияси сотиб олган эди. Аммо, нотўғри монтаж қилинганлиги ва носозлиги учун бу линияда ўтган давр мобайнида бир килограмм ҳам маҳсулот тайёрланмади. Тўғри, ўтган йилнинг июнь ойида фабрика раҳбарлари 512 минг сўмлик линия бекор туриши яхши эмаслигини англагандек бўлишди. Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги линияни Самарқанд нон маҳсулотлари комбинатига жўнатишга рухсат берди. Ишчилар директор А. Берляндьнинг буйруғини дарҳол бажаришга киришишди. Улар линияни қисмларга ажратиб машиналарга юклашди. Махсус базанинг дуч келган жойига тушириб, кўздан ғойиб бўлишди. Линия бу ерда очиқ-сочиқ ҳолда уч ой ётди. База назоратчилари уни текшириб бутунлай яроқсиз, бир тўп темир-терсакка айланиб қолган деган хулоса чиқардилар. Бу ҳақда фабрика раҳбарларига хабар қилишди.

Директорнинг кўрсатмасига биноан бир группа ходимлар базага боришди. Линияни узуқ-юлуқ ҳолда яшикларга жойлашди ва фабрика номидан вагонларга юклаб, Самарқанд нон маҳсулотлари комбинатига юборишди. Аммо, комбинат раҳбарлари линия яроқсиз бўлганлиги учун уни қабул қилишдан бош тортишди. У яна «Ўртоқ» фабрикасига қайтарилди.

Шаҳар халқ контроли комитети комиссиясининг аъзолари линия фабрика ҳовлисида ишлаб чиқариш чиқиндилари билан бостириб юборилган ҳолда сақланаётганлигининг гувоҳи бўлишди. Директорнинг хўжасизлиги туфайли давлатга 272 минг сўмлик зарар етказилди. Бунга деярли уч йил давомида бир минут ҳам ишламаган линия учун 55,4 минг сўмлик амортизация фонди ажратилганлигини ҳам қўшимча қилиш керак.

Директор А. Берляндьнинг хўжасизлиги давлатга ҳам, ўзига ҳам жуда қимматга тушди. У эгаллаб турган лавозимидан четлаштирилди. Халқ контроли комиссиясининг текширув материаллари шаҳар прокуратурасига топширилди.



### Ҳисобдан чиқарилган бензин

Халқ назоратчилари 3-автобус паркида текшириш ўтказишганида бензин исрофгарчилигига йўл қўйилаётганлигини аниқлашди. Фақат шу йилнинг биринчи кварталида асоссиз равишда 92192 литр бензин ҳисобдан чиқариб юборилган. Бу 13,3 минг сўмни ташкил этади. Ёнилғи тарқатиладиган колонкалар пломбаланмаган, счётчик ўрнатилмаган. Бунинг устига бензин тарқатилаётганда кам қўйиш ҳоллари мавжуд.

Тошкент қурилиш Бош бошқармаси 1-автотранспорт корхонасида бензин ва дизель ёнилғисининг нормативда белгиланганидан кўп ҳисобдан чиқариб юборилишига йўл қўйилмоқда. Биринчи кварталда 1312 сўмлик ёнилғи ортиқча сарфланган. Бунга ўтган йили исроф қилинган 7176 сўмлик ёнилғи қўшилса, корхонада тартибсизлик жуда қимматга тушаётганлиги аён бўлади.

Талабчанлик ва назорат бўш жойда бир камчилик иккинчисига сабаб бўлишини шу корхона мисолида кўриш мумкин. Айбдор шахслар қўшимча ҳисобдан чиқариб юборилган ёнилғи қийматини чакана баҳода давлатга қайтаришлари лозим эди. Улардан умумий баҳода ҳақ ундирилган. Натижада 1985 йил ва шу йилнинг биринчи кварталида ана шу баҳолар ўртасидаги фарқ 4,6 минг сўмни ташкил этган. Бу ерда фонд интизоми бузилаётганлиги, нефть маҳсулотларини сақлаш ва тарқатишда белгиланган тартибга амал қилинмаётганлиги фактлари ҳам аниқланди.

Нефть маҳсулотларини сақлаш ва тежаш тадбирлари бажарилишини таъминлай олмаганлиги учун 3-автобус парки директори О. Исмоилов ва директор ўринбосари М. Расулов, 1-автокорхона директори ўринбосари В. Тарасовга қаттиқ виговор эълон қилинди. 1-автокорхона директори М. Мўминов ёнилғини нормативдагидан кўп ҳисобдан чиқариб юборишга йўл қўйганлиги, сақлаш ва тарқатиш тартибини бузганлиги учун лавозимидан четлатилди. Етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун О. Исмоилов ва М. Расуловнинг уч ойлик маоши миқдорида жарима солишга қарор қилинди.




## ХАЛҚ КОНТРОЛИ

**Биз фаннинг иқтисодий механизмини, унинг ишлаб чиқариш билан ўзаро боғланишини такомиллаштиришда муайян тажриба орттирганмиз. Шу тажрибани эътибор билан таҳлил этиб, пайсалга солмай жорий қилиш, илмий коллективлар ва айрим ходимларни моддий рағбатлантиришни уларнинг фан-техника проблемаларини ҳал этишга қўшган реал ҳиссаси билан узвий боғлиқ қилиб қўйиш керак.**

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида битилган бу сатрлар бевосита халқ контроли органларига ҳам тааллуқлидир. Илмий муассасалардаги ишларни текширишдан ўтказаётган киши ҳар тарафлама камол топган, чуқур билим эгаси бўлиши керак. Бизнинг районимизда олий ўқув юртлари, лойиҳа ва илмий-текшириш институтлари анчагина. Шу боисдан ҳам халқ контроли ўз атрофига юксак малакали штатсиз активни уюштирган.

КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгаш материаллари асосида район халқ контроли комитети Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида текширув ўтказди. Институтда хўжалик шартномаси тузишда камчиликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Айни пайтда жиддий ечимга эга бўлган ишлар тўрт-беш йилда ҳам ниҳоясига етказилмаётганлиги аниқланди. Жумладан, «Пахта майдонларига экиладиган бошқа экинларни парваришлаш», «Чўл зоналаридаги ўсимликларнинг уруғларини йиғиштиришни механизациялаш» деган темалардаги ишлар ҳалигача якунланмаган.

Ишлаб чиқаришга жорий этилган айрим илмий ишлар иқтисодий жиҳатдан асосланмаган. Институтдаги энг йирик камчиликлардан бири илмий-педагогик ходимларнинг жуда кам қисми илмий-амалий тавсияномалар тайёрлаш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда иштирок этаётганлигидир. Мавжуд 50 илмий кафедрадан фақат 16 тасида тематик план мавжуд. Шунингдек, 18 профессордан фақат 8 киши ўз илмий изланишларини жорий этишда қатнашаётганлиги, 50 кафедра мудиридан фақат 11 киши жорий этишда қатнашаётганлиги ҳам ачинарли ҳолдир. Район халқ контроли комитетининг қарори билан институтнинг фан бўйича проректори Ш. Йўлдошев ва институт илмий-текшириш станциясининг бошлиғи О. Гловацкий қаттиқ жазоландилар.

Текшириш ишларининг самарали бўлишига унинг натижаларини текшириш ўтказилган корхона ёки муассаса маъмурияти ва партия ташкилоти томонидан бевосита меҳнат коллективига етказилаётганлиги, муҳокама этилаётганлиги ёрдам бермоқда. Бу ишнинг иқтисодий ва маънавий таъсирчанлигини янада оширмоқда. Институт маъмурияти томонидан илмий-текшириш ишлари самарадорлигини ошириш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича махсус тадбирлар плани ишлаб чиқилди.

Назоратнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан қуйи звенонинг жанговарлигига боғлиқ. Фақат уларнинг ёрдами билан доимий назорат ўрнатиш мумкин. Шу жиҳатдан олганда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг микробиология институти халқ контроли группаси тўплаган тажриба диққатга сазовордир. Фақат ўтган йилнинг ўзида янги техникани жорий этиш, илғор технологиядан фойдаланиш тўрт марта текширувдан ўтказилди. Текшириш натижалари коллективларда муҳокама этилди. Бу муассасадаги маънавий-психологик иқлимни соғломлаштиришга ёрдам берди.

Экономикани интенсив жадал ривожлантиришни асосий фондлардан самарали фойдаланишсиз тасаввур этиб бўлмайди. «Узстройиндустрия» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-Тошкент тажриба электромеханика заводида ускуналар ва ички резервлардан маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш ва сифатини яхшилашда қандай фойдаланилаётганлиги текширилди. Бунда маъмуриятнинг эътиборсизлиги туфайли янги минорали кран тайёрлаш йўлга қўйилмаганлиги, янги қуюв цехи узоқ муддат давомида ишламаётганлиги фактлари аниқланди. Комитет завод раҳбарларини қаттиқ жазолади. Юз берган қолоқликни бартараф этиш чораларини кўриш таклиф этилди. Натижада завод ўз ишини ўнглаб олди. Ҳозир у график асосида ишламоқда.

Айрим корхоналарда янги олинган ускуналарни сақлаш ёмон аҳволдалиги аниқланмоқда. Уларнинг кўплари очиқ жойда сақланмоқда. Район халқ контроли комитети бу масалани ҳам эътиборда сақлаяпти. Ўрнатилмаган ускуналарни мумкин қадар камайтириш ҳақидаги партия кўрсатмаларини бажармаётган раҳбарлардан қатъий талаб қилмоқда. Жумладан, «Узхлодоторгмонтаж» тресті тажриба ремонт-механика заводи (директори Л. Покутнев) ва «Средазкварцсамоцвети» экспедициясининг раҳбарлари (бошлиғи В. Иноғомов) қаттиқ жазо олдилар. Шуни айтиш керакки, биз маълум даражада ўрнатилмаган ускуналарни авайлаб-асрашни бир мунча яхшилашга эришдик. Шунга қарамасдан реал имкониятларни ҳисобга олмаган ҳолда ускуналарга буюртма бериш, олинган мослама ва механизмларни сабабсиз ўрнатмаслик ҳоллари ҳамон учраб турибди. Бу ишни янада жиддийлаштиришни, резервларни ишга солишни тақозо этади.

### Жадаллаштиришга қўшилган ҳисса

**М. МОЧАЛОВ,**
**Куйбишев район халқ контроли комитетининг инспектори.**

### Масъулиятли давр

Халқ назоратчиларининг фаолиятида масъулиятли давр бошланди. Группа ва постларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилмоқда. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида ишчилар, хизматчилар, раҳбарлар иштирок этишяпти. Бу халқ контроли фаолиятига бўлган талабчанлик янада кучайганлигидан далолатдир.

Шаҳар халқ контроли комитетида масъулиятли кампанияни қандай ўтказаётганлиги ҳақида Октябрь ва Акмал Икромов район халқ контроли комитетларининг ахборотлари тингланди. Ушбу районларнинг халқ контроли комитетлари ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказишда ошкораликни таъминлаётганликлари таъкидланди.

Шу билан бир қаторда жузъий камчиликлар ҳам бор эканлигини айтиш керак. Айрим группа ва постларда йиғилишлар асоссиз равишда бошқа кунга кўчирилмоқда. Йиғилишнинг ўтказилиши ҳақида аввалдан эълон берилмаяпти. Шунингдек, ҳисобот-сайлов йиғилишларининг протоколларини тузишда юзакичиликка йўл қўйилмоқда. Шаҳар халқ контроли комитети Акмал Икромов ва Октябрь район халқ контроли комитетларига ана шу нуқсонларни бартараф этиш вазифасини топширди.



**«Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмасининг халқ назоратчилари маҳсулот сифатини яхшилашни доимий эътиборда тутишмоқда. Улар цех ва бўлимларда бир неча марта текшириш ўтказишди. Улар Дилора Умарова тайёрлаган маҳсулотни кўриб мамнун бўлишди. Чунки у вазифани ҳалол бажаради. Айни пайтда кунлик топшириқни 20—30 процентга ошириб бажаришга эришади.**
**СУРАТДА: Дилдора Умарова.**

**Э. Зоҳидов фотоси.**



**Шаҳримиздаги 9-шина ремонти заводи вулканизация цехида ўз касбига меҳр қўйган кўплаб мутахассислар ишлашади. Улардан бири Тоҳир Шокировдир. Бу илғор ишчи ўн йилдан бери шу корхонада меҳнат қилиб келади. Коммунистик меҳнат зарбдори, деган юксак номга сазовор бўлган бу ишчи смена топшириқларини ҳамиша ортиғи билан адо этиб ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.**

**Т. Каримов ффотоси.**

## ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

### Телетайп лентасидан

◆ **ВЕНА.**

**Антифашист қаршилик ҳаракати курашчилари билан Австрия ташкилотлари баёнот эълон қилди. Бу баёнотда шу йилнинг декабрь ойида Венада ўтказиладиган «қаршилик ҳаракати жангчилари билан уруш қатнашчиларининг иккинчи жаҳон учрашуви» табрикланади.**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эълон қилган халқаро тинчлик йили доирасида уюштириладиган бу учрашув «Тинчлик ҳар бир мамлакат учун, тинчлик Европа ва бутун дунё учун» деган шиор остида ўтади. Баёнотда таъкидланишича, иккинчи жаҳон уруши ветеранлари ҳамда антифашист курашчиларнинг мустаҳкам тинчлик учун кураш, ядровий қуролланиш пойгасига қарши халқаро ҳаракатдаги иштироки билан боғлиқ проблемаларни муҳокама қилиш —Шарқ ва Ғарб мамлакатлари, шунингдек халқаро ташкилотларнинг вакилларидан иборат учрашув қатнашчиларининг бош вазифасидир.

◆ **ПЕКИН.**

**Хитой экономист-олимларидан бир группасининг ташаббуси билан ХХРда мамлакатда биринчи шаҳарлар экономикасини ўрганиш илмий жамияти тузилди.**

Иқтисодий система ислоҳотларини амалга ошириш мақсадида хилма-хил илмий тадқиқотларни ўтказиш ана шу жамиятнинг асосий вазифаси бўлади.

Жамият таъсис йиғилишида таъкидланганидек, саноат марказлари сифатида шаҳарлар, улардаги корхоналар; бошқариш системаси, ишлаб чиқариш-иқтисодий алоқалари, иқтисодий самарадорликни янгилаш ва оширишнинг йўллари ҳамда усуллари чуқур тадқиқот мавзулари бўлади. Олимлар илмий муаммоларни ҳал этиш давомида «Хитойнинг ўзига хос бўлган шаҳарлари экономикаси ҳақидаги социалистик фанни ривожлантириш ва чуқурлаштиришни» мўлжалламоқдалар.

◆ ГЁТЕНИНГ ВЕЙМАРДАГИ МИЛЛИЙ МУЗЕЙИДА.

**ГДР. Веймар шаҳридаги Иоган Вольфанг Гётенинг миллий музейи бой экспозицияси зиёратчиларни улуғ немис шоири ва мутафаккирининг ҳаёти ва ижоди билан таништиради. Шоир ана шу шаҳарда эллик йилга яқин яшади ва шу ерда ўзининг энг йирик асарларини яратди.**

**СУРАТЛАРДА: уй-музейнинг экспонатлари.**

**И. Чохонелидзе фотоси,**

**ТАСС фотохроникаси.**

### Нигерия меҳнат конгрессининг қарори

◆ ЛАГОС.

Меҳнаткашлардан салкам 5 миллион кишини бирлаштирган Нигерия меҳнат конгресси (НМК) Яқин Шарқда Тель-Авив ўтказаётган агрессив сиёсатни ҳамда Исроилнинг ЖАР ирқчи режими билан ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаётган Исроил умуммеҳнат федерацияси билан муносабатларини мутлақо узади. Нигерия меҳнат конгресси Марказий ишчилар комитетининг бу ерда эълон қилинган баёнотида шу ҳақда айтилади. НМК бош секретарининг ўринбосари Бернард Обуа қабул қилинган қарор Нигерия ҳукуматининг ташқи сиёсий йўлига тўла-тўкис мос бўлиб тушади, деб таъкидлади.

### Х. Асаднинг айтганлари

◆ АФИНА.

Бу ерга визит билан келган Сурия Араб Республикаси президенти Хафиз Асад давлат терроризми сиёсатини ўтказаётганлиги учун Қўшма Штатларни, Исроил ва ЖАРни қоралади. Хафиз Асад Греция президенти Христос Сардзетакис унинг шарафига уюштирган зиёфатда нутқ сўзлаб, Вашингтон, Тель-Авив ва Претория мустақил давлатларга қилинган қуролли ҳужумларни оқлаш мақсадида «Терроризмга қарши кураш» деган баҳонадан фойдаланаётганликларини айтди. Бу сиёсат, амалда Америка авиациясининг Ливия шаҳарларини ваҳшиёна бомбардимон қилганлигида ўз ифодасини топди. Исроил ҳарбийлари Ливанда ҳар куни амалга ошираётган жиноятларда, ЖАР ирқчи режимининг Африкадаги учта давлатга қарши яқинда қилган агрессиясида намоён бўлмоқда, деб таъкидлади Х. Асад. Бундай сиёсат, пировард натижада планетамизни жуда катта жанг майдонига айлантириб юбориши мумкин, деб огоҳлантирди у.

Сурия, деди САР президенти, давлатлараро муносабатларда терроризмга қарши қатъиян курашмоқда. Менинг мамлакатим, деб таъкидлади Х. Асад, терроризм билан халқларнинг мустамлакачиликка қарши миллий озодлик кураши ўртасидаги фарқни яхши англамоқда.

### ГДРнинг ГФРга норозилиги

◆ БЕРЛИН

АДН агентлигининг хабар қилишича, ГДРнинг ГФРдаги доимий ваколатхонаси ГФР ҳарбий-денгиз кучларининг ёрдамчи кемаси ГДРнинг денгиз территориал сувлари чегарасини бузганлиги муносабати билан ГФРнинг ваколатли маъмурларига норозилик билдирди.

Шу йил 25 майда, дейилади хабарда, «А 1452» номерли ана шу кема Рюген оролининг шарқроғида ГДР территориал сувларига бостириб кирди. ГФР кемаси ГДРнинг территориал сувларига икки марта қонунга хилоф равишда 3,6 километр ичкарига кирди. Бундай ҳаракатлар халқаро ҳуқуқ нормаларини бузиш бўлиб, давлатлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш асосий принципларига зиддир.





## ЖАМИЯТ ВА ҚОНУН

**ОРДЕРСИЗ ТУРАР ЖОЙГА КЎЧИБ КИРИШ ҚАНДАЙ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН?**

**Ш. Мелиева, О. Рўзибоев, Э. Гортфельдер.**

### ОРДЕР—АСОСИЙ ҲУЖЖАТ

**Республикамизда давлат ва жамоат турар жой фондидан турар жой ажратиш Ўзбекистон ССР турар жой Кодекси билан тартибга келтирилади. Кодексда халқ депутатлари маҳаллий Советларига, идораларга, жамоат уй-жой фондига қарашли уйлардан турар жой бериш ва уларга кўчиб кириш қоидаси кўрсатилган. Бу квартираларга кўчиб кириш ҳам ана шу кодекс талаблари асосида амалга оширилади.**

**Ўзбекистон ССР турар жой кодексининг 53-моддаси талабига биноан давлат ёки жамоатчилик уй-жой фондига қарашли уйдан турар жой бериш тўғрисидаги қарорга асосланиб, халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитети гражданга турар жойга кўчиб кириш учун бирдан-бир асос ҳисобланган ордер беради. Ордер фақат бўш бўлган алоҳида турар жой учун берилади.**

**Қоидага биноан турар жойдан кўчириш суд тартибида ва фақат қонун талаблари асосида амалга оширилади.**

**Ўзбекистон ССР турар жой Кодексининг $431^{1}$-моддасида таъкидланганидек, турар жойни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ёки қулаб тушиш хавфи бор уйларда яшовчи шахслар прокурорнинг рухсати билан маъмурий тартибда кўчириб чиқариладилар.**

**Маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги қарор ана шу турар жойдан кўчириб чиқарилаётган гражданларга мазкур қарор топширилган кундан бошлаб етти кун ўтгандан кейин мажбурий тарзда ижро этилиши лозим. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда эса қарор дарҳол ижро этилади.**

**Маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги қарорни мажбурий тартибда ижро этиш кўчириб чиқариладиган уй турган жойдаги район (шаҳар) халқ судининг суд ижрочиси томонидан ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг гражданлик-процессуал қонунларида суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади.**

**Кўчириб чиқарилаётган шахслар суд ижрочисини ўзлари эгаллаб турган турар жойга киритишга йўл қўймаганлари, маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги қарорнинг ижро этилишига тўсқинлик қилувчи бошқа ҳаракатларни содир этганликлари тақдирда, турар жойдан кўчириб чиқариш милиция ёрдамида амалга оширилади.**

**Гоҳида турар жой эксплуатация участкасининг бошлиғи, давлат ва жамоат ташкилотининг раҳбари ўз ходимига бўш жойларга кўчиб кириш тўғрисида оғзаки кўрсатма беришади. Уларга, кейинчалик район Совети ижроия комитетининг қарори билан ордер ёздириб беришни ваъда қилишади. Бундай ҳатти-ҳаракатлари билан ана шу раҳбарларнинг ўзлари қонунни бузадилар. Ходимларига яхшилик ўрнига, ёмонлик қилишади.**

**Кўп ҳолларда квартирани расмийлаштириш учун керак бўлган ҳужжатлар ижроия комитетларга жўнатилмайди, ёки ижроия комитетлар уларни синчиклаб ўрганиб, гражданларга турар жой берилишини қонун асосида рад этадилар. Ўзбошимчалик билан кўчиб кирган гражданлар мазкур квартирада қанчадан буён яшаётганлиги, турар жой ва коммунал хизмати ҳақини тўлаётганлигига қарамасдан бошқа турар жой билан таъминланмаган ҳолда кўчириб чиқариладилар.**

**Г. ФИЛИППЕНКОВ,**
**Тошкент шаҳар прокурори.**

